

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
IJTIMOIY IQTISODIY FAKUL'TETI**

REFERAT

MAVZU: AVSTRALIYA

Bajardi:

Avezova D

Tekshirdi:

Soxibov T.F.

Buxoro-2015

АВСТРАЛИЯ

Расмий номи - - Австралия Иттифоки. Пойтахти --

Канберра. Худуди — 7682300 км². Аҳолиси — 19400000 киши (2001). Давлат тили—инглиз. Дини — англичанлар (26%), католиклар (26%), протестантлар (20%), православлар (4%). Пул бирлиги — австралия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Австралия материги Тасмания ва унинг ёнидаги майда ороларда Ернинг Жанубий ярим шарига жойлашган давлат. Шимолда Тимор денгизи, Арафур денгизи ва Торрес бўғози, жанубда - Босса бўғози ва Хинд океани, шарқда — Маржон денгизи, ғарбда -Хинд океани билан тутшиб кетган. Австралия сатҳи асосан текисликлардан иборат, баланд тоғ массивлари йўқ. Мамлакат шарқда, шимолдаги Кейп-Йоркдан жанубдаги Босс кўрфази ва Тасмания оролида давом этган умумий узунлиги 3300 км бўлган катта сув айирувчи тизма жойлашган. Тизма Нью-Ингленд ясси тоғи, Мовий ва Австралия тоғларидан ташкил топган. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси Костюшко (2228 м) тоғи.

Иклими — субэкваториал, тропик ва субтропик. Ўсимлик дунёси бой — 20000 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Мамлакат шимоли асосан тропик ўрмонлар билан қопланган. Жанубда, Австралия Худудининг ўзида 500 турдан ортиқ акациялар ўсади. Хайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, бу ерда ўрдакбурун, кенгуру, халтали хайвонларнинг бошқа турларини, денгизларда аюла, денгиз илони, медуза каби жониворларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши -

федерал парламентар давлат. Ижро этувчи Хокимият - Британия монархи, генерал-губернатор, премьер-министр. Конун чиқарувчи хокимият — икки палатали федерал парламент (Сенат, Депутатлар палатаси). Федерация 6 штатдан иборат: Жанубий Австралия, Ғарбий Австралия, Янги Жанубий Уэльс, Виктория, Квинсленд, Тасмания ҳамда Шимолий ҳудудлар ва Австралия пойтахти федерал ҳудуди. Сиёсий партиялари: Австралия миллий партияси, Австралия лейбористик партияси, Австралия либерал партияси, Австралия демократик партияси

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари Австралия бозор иқтисоди юқори ривожланишга эга бўлган аграр-индустриал мамлакат. Саноатнинг ривожланган соҳалари: машинасозлик, тоғ-кон, кимё саноати, озиқ-овқат, пулат қуйиш. Кишлоқ хўжалиги асосан экспортга ихтисослашган. Чорвачилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, Япония, Миср, Индонезия, МДХ мамлакатлари.

Тарихи. Австралия аборигенларининг аجدодлари бу китъага 40000 йил муқаддам кўчиб келганлар. Австралия ҳудудида европаликлар келгунига қадар чорвачилик, дехдончилик ва темир нималигини билмаган абориген қабилалари истикомат қилишарди. Уларнинг асосий машғулоти термачилик ва овдан иборат эди. XVIII аср охирида мамлакат ҳудудида 300000 абориген яшаган. 1606 йили голландиялик денгизчи В. Янсзон европаликлардан биринчи бўлиб Австралия қирғоқларига етиб келади. 1643 йилда яна бир голланд денгизчиси А. Тасман мамлакатнинг шимолий қирғоқлари ва Тасман оролини ўрганиб чиқди. 1770 йилда инглиз капитани Ж. Кук Австралиянинг шарқий қирғоқларига келиб тушди ва китъани

Британия мулки деб эълон килди. XVIII аср охирида Австралияда биринчи инглиз манзилгохи -- Сидней шахрига асос солинди. Англия Австралия худудидан махбусларини сургун килиш жойи сифатида фойдаланди. 1901 йил 1 январида Англиядан доминион мавкеини олган Австралия Иттифоки ташкил топди. I жаХон уруши даврида Австралия кўшинлари Франция ва Якин Шаркца олиб борилган Харбий Харакатларда иштирок этди. Урушдан сўнг Австралия Науру оролига эга бўлди. 1931 йилда Австралия Вест-минстер статутига кўра ташки ва ички сиёсатда тўла мустақилликни кўлга киритди. Австралия II жахон уруши даврида антигитлерчилар иттифоки тарафида туриб жанг килди. 1967 йилда барча аборигенларга фукаролик ҳуқуқлари берилди.

Шаркий бурун) ж.к.лар оралигида 3200 км га, гарбдан шаркка 4100 км га 113°05' шк.у. (Стип-Пойнт бурни) билан 153°34' Байрон бурни) шк.у.лар оралигида чўзилган. Майдони:7682 минг км² (Тасмания, Кенгуру, Мелвилл ва бошка ороллар билан 7704,5 минг км² га якин). Австралия материклар ичида энг кичиги. Жанубий тропик чизиги Австралиянинг деярли ўртасидан кесиб ўтади. Материкни гарб, шимол ва жанубдан Хинд океани, шаркдан Тинч океан денгизлари ўраб туради. Киргоклари унчалик эгри-бугри эмас, шимолда Карпентария, жанубда Катта Австралия кўлтиклари бор. Катта ярим ороллари — шимолда Арнемленд ва Кейп-Йорк. *Тасмания ороли* Австралиядан кенглиги 224 км ли Басс бўғози оркали ажралиб туради. Автралия шимолда йирик ороллардан янги Гвинея жойлашган. Австралиянинг шаркий соҳили бўйлаб беҳисоб маржон оролларида ташкил топган Катта Тўсик 2300

км масофага чўзилиб ётади.

Табиати. Орографияси. Австралия рельефининг аксарият кисми текислик. Денгиз сатхидан ўртача баландлиги (215 м) жихатидан Австралия материклар ичида энг паст. Ер юзаси 95% ининг мутлак бал. 600 м дан ошмайди. Йирик орографик кисмлари: 1)Гарбий Австралия ясси тоглиги — ўртача мутлак бал. 400—500 м, тизмалар ва супа тоғлардан иборат; 2) Марказий паст текислик — кўп кисмининг мутлак бал. 100 м га етмайди. Австралиянинг энг паст нуктаси хам (—12 м) ўша ердаги ботикда жойлашган Эйр кўли ёнида; 3) Катта Сувайиргич тизма (материк шаркида) — ўртача баландликдаги айрим-айрим, чўккилари ясси тизма тоғлар. Австралиянинг энг баланд нуктаси — Косцюшко тоғи (2230 м) жанубдаги Австралия Альп тоғларида.

Австралиянинг хозирги рельефи асосан кембрийгача бўлган даврда вужудга келган ва кескин тектоник ўзгаришларга учрамаган, ер юзаси узок даврлар ичида емирилиб, натижада колдик тоғлар билан бирга кенг текисликлар вужудга келган. Катта Сувайиргич тизма емирилган палеозой бурмали тоғлари ўрнида вужудга келган. Налларбор текислигида, Мовий тоғларда, Баркли ва Атертон платоларида карст рельеф шакллари учрайди.



Геологик тузилиши ва фойдали казилмалари. Австралиянинг аксари кисми Австралия платформаси областида жойлашган, шаркий кисми эса Шаркий Австралия бурмали геосинклиналь минтакасига киради. Кембрийдан аввал вужудга келган платформанинг материк заминидаги кристалл ҳамда метаморфик жинслари Гарбий плато, Тасман ери, Гарбий Австралия калкони ва бошка жойларда ер юзасига чикиб колган; шаркда (Марказий паст-текисликнинг гарбида) эса куруклик ва кўл ётқизиклари остида кўмилиб кетган, шунингдек Шаркий Австралия платформасида ҳам учрайди. Юкори палеозойда ва мезозойнинг биринчи ярмида Австралия платформаси кадимги **Гондвана** материги билан туташ бўлган. Учламчи давр охири ва тўртламчи даврда рўй берган тектоник Харакатлар Австралияни Янги Гвинея ороли, Малайя архипелагининг шаркий ороллари ва Тасманиядан ажратиб юбориб, материкни Хозирги кифасига келтирган.

Австралия платформаси олтин ва полиметаллга, темир

рудаси ва бокситга бой, Флиндерс тизмасида уран ва радий рудалари учрайди. Австралия шаркида тош-кўмир ва кўнгир кўмир конлари бор. Катта Артезиан Хавзаси, Виктория штати сохилларида нефть ва газ топилган.

Иклими. Австралиянинг шимолий кисми (20° ж.к. гача) экваториал муссонли, ўрта катта кисми (20° — 30° ж.к. лар оралиги) тропик чўл ва жанубий-гарбий чеккаси кишда ёгин кўпрок ёгадиган субтропик икклимли минтакаларга киради. Австралия жанубий ярим шардаги энг иссик куруклик, унинг $2/3$ кисми чўл ва чала чўллардан иборат. Киргоклардан материк ичкарисига томон ёгин микдори тез камайиб боради, лекин кўп йиллик ёгинсиз даврлар бўлмайди. Ёзда (дек.—фев.) куруклик гоят кизиб (температура 36° дан ортади) материк устида паст босим области вужудга келади, унинг жанубий чеккаларидагина баланд босим карор топади, шу сабабли жанубий-гарбда ва Налларбор текислигида ёгин тушмайди. Температуранинг мавсумий ўзгариши асосан тропик ва субтропик минтакаларнинг ички районларида кўпрок намоён бўлади. Январь ойида 40° дан юкори иссик темпериатуралар шимолий-гарбда (Марбл-Бар) бўлади. Мутлак максимум температура 53° , Г Клонкаррида (Квинсленд) кузатилган. Мутлак минимум температура Австралиянинг ички районларида — $4,6^{\circ}$ гача тушади. Факат Австралия Альп тоғларида совук баркароррок бўлиб туради. У ерда — 22° гача совук кайд килинган. Текисликларда тупрокнинг юза катлами ахён-ахёндагина музлайди. Йил давомида иккита мавсум — курук ва ёгингарчилик мавсумлари кузатилади. Муррей текисликларида момакалдирокли жалалар, жанубий-шаркдаги тоғларда муссон ёмгирлари ёгади. Шаркий сохилнинг кўп

кисмида иклим тропик денгиз иклими, иссик. Шимолда ёгинларни шимолий-гарбий муссонлар келтиради. Бу ерда ёгин сохилда 1500 мм, 10°— 20° ж.к.да 400—500 мм. Австралияда энг кўп ёгин (2243 мм) Кэрнсда ёгади. Энг кам ёгин (300—250 мм) материк гарбида ёгади. Катта Сувайиргич тизмаси Тинч океандан эсувчи илик ва нам шамолларни тўсиб, Австралиянинг шаркий сохили ва ички районларида ёгин таксимотини

мураккаблаштиради. Кишда (июнь— авг.) Австралиянинг айникса жанубий ва жанубий-шаркий кисмлари совиб (12°, 5°), юкори босим области таркиб топади.

Ички сувлари. Австралиянинг 60% майдони окмас ички хавзага, 7% Тинч океан ва 33% Хинд океани хавзасига мансуб Австралияда окар сувлар кўп эмас. Океанга куйиладиган дарёлар киска, тоглардан бошланади, сув микдори доимий эмас. Энг серсув дарёси Муррей (Марри), йирик ирмоги — Дарлинг. Ички берк хавзани кесиб ўтувчи курук ўзан (крик)лар кўп, уларда факат ёгингарчилик вақтларидагина сув оқади. Австралия чўлларидаги сувлар шўр. Ер ости сувлари кўпинча минераллашган, захираси катта. Улар бир неча артезиан хавзада тўпланган, бундай сув 200 м, баъзан 500 м гача чуқурликдан чиқади.



Шўр кўллар ичида энг йириги Эйрнинг ёзда майдони баъ-зан 15000 км² га етади. Ундан жанубда Торренс, Гэрднер, Парбий платода Амадиес кўллари бор. Австралия ер ости сувларига бой. Умумий майдони 4800 минг км² ни ташкил килган 33 та артезиан хавзаси мавжуд; булардан энг йириклари - Катта Артезиан, Муррей, Мортон-Кларенс, Юкла, Оффисер, Жоржина. Ер ости сувларидан кургокчил районларда сугориш, саноат ва транспорт эхтиёжлари учун фойдаланилади.

Тупрок ва ўсимликлари. Австралиянинг органик дунёси бўр даври ўрталаридан бошлаб бошка курукликлардан ажралган холда ривож топган, шунинг учун флора таркибида эндемик турлар кўп (75%). Австралия махсус флора областини ташкил килган (к. *Австралия флористик дунёси*).



Ички Австралиянинг катта кисми кумли ва тошлок чўллар (Катта Кумли чўл, Виктория ва Гибсон чўллари) билан банд. Чўлларни бўз ва жигар-ранг бўз тупрокли, асосан эвкалипт ва акация буталаридан иборат тиканакли калин чакалакзорлар билан копланган чала чўллар ўраб олган. Бир оз сернамрок чала чўллар бутазор — скрэблар билан банд. Чала чўл ва саванналардан табиий яйлов сифатида фойдаланилади. Бўр даврига кадар Австралиянинг Жанубий Америка ва Африка билан куруклик оркали туташганлигини протейлар ва баъзи игна барглиларнинг умумий оилага мансублиги тасдиқлайди. Шимолий, шарк, жанубий-шарк ва жанубий-гарбда ёгин микдори орта боради ва бу ерларда кизгиш-кўнгир ва кизил тупрокли саванналар учрайди. Материкнинг шимолий-шарки доимий яшил тропик ўрмонлар билан, жанубий-шарки эвкалиптили субтропик ўрмонлар билан копланган. Чала чўл ва саванналар яйлов ахамиятига эга. Товар маҳсулот берувчи ўрмонлар Австралия майдонининг карийб 2%ини ташкил килади.

Хайвонот дунёси. Австралия фаунаси ўзига хос бўлганлигидан уни алохида Австралия зоогеографик областига ажратилган. Австралия фаунасида юксак сут эмизувчи хайвонлар (одамлар четдан келтирган динго итидан ташкари) деярли йўк. Материкда мезозой ва учламчи давр фаунасининг вакиллари хозиргача сакланган. Масалан, тухум кўювчи сут эмизувчилардан ехидна ва ўрдакбурун, баликлардан икки хил

нафас олувчи цератод, копчикли сут эмизувчилардан кенгуру, айиклар (коала) ва б. Австралиянинг кўп ёввойи Хайвонлари одамларнинг хўжалик фаолияти ва тартибсиз ов килиши натижасида камайиб кетган. Австралия учун типик кушлар: какаду тўтиси, эму туякуши, катта оёкли товуклар, кора оккуш, жаннаткуш, товусдум ва бошқалар. Европадан хонаки хайвонлар келтирилган.

Табиат районлари. Австралиянинг текислик қисмларидаги субэкваториал, тропик ва субтропик минтакаларида географик зоналик яккол кўринади. Йиллик ёгин миқдори 200—250 мм бўлган чўл зонаси катта майдонни эгаллаган. Плато ва ясси тоғликлар тошлок чўллардан иборат. Австралия Альп тоғларида баландлик ландшафт минтакалари аниқ намоён бўлган. Австралиянинг табиий ландшафтлари одамлар томонидан жуда ўзгартириб юборилган. Табиатни кўрикдаш кўпроқ Жанубий Австралияда яхши йўлга қўйилган. Маунт Буффало, Косцюшко, Саут-Уэст (Тасма-ния о.), Уайперфилд ва Уилсонс-Промонтори, Эунгелла ва бошқа миллий парклари бор.

Кашф этилиши ва тадқиқ қилиниш тарихи.

Австралия ҳақидаги дастлабки ноаниқ маълумотлар европаликларга португал денгизчилари орқали 16-асрда етиб келган. Аммо Австралиянинг шимолий қисмларини баъзи бир Индонез қабилалари қадимдан билишган бўлса керак. Австралияни 1606 йилда голландиялик В. Янсзон кашф қилган ва Янги Голландия деб атаган. Бир неча ойдан сўнг испаниялик Л. Торрес Австралиянинг Кейп-Йорк ярим ороли шимолидаги бўғоздан сузиб ўтди. Бу бўғоз кейинчалик унинг

номига кўйилган. Ява оролига катнаб турган голланд денгизчилари 1640 йилда материкнинг гарбий, қисман шимолий ва жанубий соҳилларини кашф этган. 1642 йилда Тасман Австралиядан жануброкда сузиб, Тасмания оролни топди ва материкнинг Антарктидадан узокда жойлашганлигини исбот этди. Ж. Кук 1770 йилда Австралиянинг шаркий соҳилларини кашф этди ва уни Янги Жан. Уэльс деб атади. М. Флиндерс ва Н. Боден тадқиқотлари билан Австралия жанубий соҳаларининг кашф этилиши тугалланди. М. Флиндерс материкни Австралия («Жанубий Ер») деб атади ва 19-асрдан шу ном билан машҳур бўлиб қолди. Австралиянинг ички қисми европаликларнинг қорва моллари учун яйлов ва сув қидириш мақсадларида ўрганилади. Кўпдан-кўп геофафик тадқиқотлар натижасида бутун Австралиянинг табиат бойликлари асосан ўрганиб бўлинди. Бу эса китъанинг хўжалик жихатдан тез ўзлаштирилишига олиб қелди. Кейинги вақтларда қазилма бойликлар қидириб топиш борасида хусусий тадқиқотлар олиб қорилмокда. Австралида *Австралия* давлати жойлашган.

Ад.: Китъалар табиий географияси, Т., 1967; Мухин Г. И., Австралия и Океания, М., 1967; Свет Я. М., История открытия и исследования Австралии и Океании, М., 1966.

АВСТРАЛИЯ, Австралия Иттифоқи Жанубий ярим шардаги давлат, Австралия материғи, Тасмания ороли ва бошқа оролларда жойлашган. Майдони: 7,682 млн. км². Аҳолиси 19 млн. киши (1999). Пойтахти — Канберра шаҳри.

Давлат тузуми. Австралия— Буюк Британия бошчилиғидаги *Хамдўстлик* тарқибига қирувчи федерал давлат.

Австралиянинг амалдаги Конституцияси 1901 йилда қабул қилинган. Давлат тузилиши шакли жиҳатидан — федерация. Давлат бошлиғи - Буюк Британия кироли (кироличаси), генерал-губернатор унинг вакили ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали (вакиллар палатаси ва сенат) федерал парламент. Вакиллар палатаси (қуйи палата) 3 йил муддатга, сенат (юқори палата) депутатлари Ҳар бир штатдан 6 йил муддатга сайланади. Сенат таркибининг ярми ҳар 3 йилда янгиланади. Генерал-губернатор ва бош вазир бошчилик қиладиган Ҳукумат ижроия Ҳокимиятни амалга оширади. Австралиянинг ҳар бир штати ўз конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга; штатларнинг ҳуқуқлари чекланган.

Ҳудудий бўлиниши		
Штатлар ва ҳудудлар	Майдони, минг км ²	Маъмурий маркази
Янги Жан. Уэльс	801,4	Сидней
Виктория	227,6	Мельбурн
Квинсленд	1727,5	Брисбен
Жан. А.	984,4	Аделаида
Ғарбий А.	2527,6	Перт

1347,6 Дарвин

Федерал пойтахт Ҳудуди 2,4 Канберра

Табиати — қ. *Австралия* (материк), *Тасмания* ороли.

Аҳолиси. Австралия ҳозирги аҳолисининг асосий қисми— Британия оролларида кўчиб келганларнинг авлодлари— инглизлар, ирландлар, шотландлар бўлиб, улар

австралияликлар миллатини ташкил этади (к. *Австралияликлар*). Туб жой ахоли ва дурагайлар Австралия ахолисининг 1,5% ни ташкил этади; украинлар, итальянлар, немислар, греклар, голландлар ва бошка миллатлар ҳам яшайди. Бир неча юз ўзбек бор. Расмий тили — инглиз тили. Ахолининг ўртача зичлиги — 1 км² га салкам 2 киши. Ахолининг 80% га яқини материкнинг шарқий ва жанубий-шарқий соҳилида истикомат қилади; ахолининг — 2/3 қисми йирик шаҳарларда яшайди. Энг йирик шаҳарлари: Сидней, Мельбурн, Брисбен, Аделаида, Перт.

Тарихи. 18-асргача Австралия аборигенлари ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшаган. Европаликлардан биринчи бўлиб материкка голланд денгиз сайёхлари В. Янсзон (1606) ва А. Я. Тасман (1642) келганлар. Янги китъани ўрганиш учун Англия бир неча экспедиция, жумладан Ж. Кук раҳбарлигидаги экспедицияни юборди (1770). 1788 йилда Австралия Англия ҳудуди деб эълон қилинди.



19-асрнинг

20-йилларидан

бошлаб Австралияда қўйчилик ривожланди, 30-йилларда дастлабки саноат корхоналари пайдо бўлди. 19-асрнинг 2-ярмидаги «олтин талвасаси» (1851—61) муносабати билан

кўчиб келувчилар анча кўпайди.

Англия ҳукумати Австралиядаги мустамлакаларда бошланган кенг халқ ҳаракати (олтин изловчиларнинг 1854 йилдаги Эврика кўзголони ва бошқа исёнлар) тазйики остида 1855 йилда уларнинг кўпчилигига ўзини ўзи бошқариш ҳукукини беришга мажбур бўлди. 1901 йил Австралиядаги мустамлакалар 6 штатдан иборат федерацияга — Австралия Иттифокига бирлаштирилди ва у доминион мақомига олди. 1906 йилда унга Британиянинг Папуа мустамлакаси (Янги Гвинея оролнинг жанубий-шарқий қисми), 1-жаҳон урушидан кейин эса (бу урушда Австралия кўшинлари Британия армияси таркибида жанг қилди) Германиянинг собиқ Янги Гвинея мустамлакаси (Янги Гвинея оролнинг шимолий-шарқий қисми) ва Науру ороли (Миллатлар Иттифоқи мандати остидаги ҳудуд сифатида) берилди: 2-жаҳон уруши вақтида Австралия гитлерчиларга қарши коалиция тарафида ҳаракат қилди. 1945 йилдан Австралия — БМТ аъзоси. Урушдан кейин Австралия Буюк Британия бошчилигидаги Хамдўстлик таркибида қолган ҳолда мустакил давлатга айланди. Урушдан кейин деярли доимо ҳокимият тепасида буржуа партиялари — либерал ва аграр (1975 йилдан миллий аграр) партиялари коалицияси бўлди. Фақат 1949 йилгача, 1972-75 йилларда ва 1983 йилда ҳукуматни лейбористлар тузди. Бу партия ташки ва ички сиёсатда мустакил йўлдан бориш учун бир қанча тадбирларни амалга оширди. Австралия ҳукумати Науру (1968) ва Папуа Янги Гвинея (1975)га мустакиллик беришга мажбур бўлди. 1991 йилда Австралия билан ЎзР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Миллий байрами — Австралия куни (26 январь).

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари. Австралия миллий партияси, 1916 йилда ташкил этилган; Австралия либерал партияси, 1944 йилда тузилган; А. лейбористлар партияси, 1891 йилда ташкил этилган; Австралия демократлари партияси, 1977 йилда ташкил этилган. Австралия касаба уюшмалари кенгаши 1927 йилда тузилган. Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Хўжалиги. Австралия — юксак даражада ривожланган индустриал аграр мамлакат. Иқтисодиётда йирик монополиялар ҳукмрон, хорижий сармоя, асосан АКШ ва Буюк Британия сармояси катта маъкега эга. Австралия темир руда, боксит, рутил, кўргошин, жун, шакаркамиш маҳсулоти экспорт қилиш соҳасида етакчи ўринда, кўмир, рух, мис, марганец, бугдой, гўшт экспорт қилишда олдинги ўринлардан бирида туради.

Саноати. Австралия саноати ялпи миллий маҳсулотнинг 30% ни беради. Унинг асосий тармоқлари: қончилик, металлургия, қимё, машинасозлик, озик-овқат, енгил саноат. **Асосий энергетика ресурслари** — кўмир ва табиий газ. Иссиқлик электр станциялари электр энергиянинг 80% га яқинини ҳосил қилиб беради. 1994—95 йил 155 млрд. кВт-с электр энергияси ҳосил қилинган. Энг катта темир руда ҳавзаси — Гарбий Австралиядаги Пилбара қони, рангли металл рудалари, асосан Брокен-Хилл (Янги Жанубий Уэльс) ва Маунт-Айза (Квинсленд), бокситлар Уэйпа қони (Квинсленд) ва Гов (Шимолий ҳудуд)дан қазиб олинади. 1994—95 йил 111 млн. тонна темир рудаси, 202 млн. тонна тошкўмир, 32,9 млн. тонна нефть, 20,7 млрд. куб-метр табиий газ, 256 т олтин қазиб олинган. Саноатда машинасозлик, металлургия, қимё, нефть қимёси

(олтин-гугурт кислотаси, минерал ўғитлар) ва нефтни қайта ишлаш тармоклари устунлик килади. 1994—95 йил 6,2 млн. тонна пўлат, 237 минг тонна мис, 211 минг тонна калай, 1,2 млн. тонна алюминий ва 360 мингга яқин автомобиль ишлаб чиқарилган. Озик-овқат саноати кўпроқ экспортга (гўшт, ун, канд-шакар, сариёғ-пишлок, пиво, вино) мосланган. Тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал корхоналари бор.

Асосий саноат марказлари: Сидней, Мельбурн, Брисбен, Аделаида, Перт. Вуллогонг — Порт-Кембла, Ньюкасл, Жилонг, Куинана порт-саноат мажмуалари шаклланган.

Кишлоқ хўжалиги . Австралия — йирик ер эгалиги мамлакати. Фойдаланиладиган ерларнинг 80% дан ортиги йирик (триодия, спинифекс) билан қопланган. Бу районларга шимолий ва шарқдан каттик баргли бутазорлар уланиб кетади. Шимолий-ғарб ва шарқда бутазорлар тугаб, аста-секин паст бўйли филлодия акациялари ва эвкалиптлар ўсадиган кенг саванналар, ундан ҳам нарида саванна ўрмонлари келади. Китъанинг жанубий-ғарбида ва шарқида денгизга яқинлашган сари доим яшил субтропик ўрмонлар, Маржон денгизи сохилларида эса нам тропик ўрмонлар — гилеялар бор. А.ф.д. нинг суб-тропик ва субантрактик ўрмонларида бахайбат (бал. 100 м ва диаметри 2 м гача бўлган) эвкалиптлар, дарахтсимон папоротниклар, саговниклар ва бошқалар реликт ўсимликлар ўсади. Австралия бутун дунёда экиладиган ва кургокчиликка чидамли ўсимликлар (эвкалипт ва акациялар) ватанидир. А.ф.д. ўсимликлар дунёсининг магзини қадимги голантарктида флораси ташкил этади. А.ф.д. учта флористик областга бўлинади (Тахтажян, 1978): 1. Шимолий-шарқий австралия обл. Бу область ўзига хос флорага эга 4 та провинцияга бўлинади: 1) Шимолий Австралия провинцияси;

2) Квинсленд провинцияси;



3) Жанубий-

провинцияси;

4) Тасмания области.

шаркий

Австралия

2. Жанубий-гарбий австралия области битта — жануби-гарбий австралия провинциясини ўз ичига олади.

3. Марказий австралия ёки эремей обл. Хам битта эремей провинциясидан иборат.

АВСТРАЛИЯ ГЎЗАСИ— ёввойи гўза тури. Геноми C_3 , хромосомалар сони $2n=26$. Биринчи марта Ф. Мюллер таърифлаб берган (1858). Австралияда кенг тарқалган. Австралия кўп йиллик бута, бўйи 1—1,5 м гача. Пояси ингичка, калта туклар билан копланган. Қўсаклари кичик (диамет-ри 1 см гача), сирти силлик, тескари тухумсимон шаклда, 3—4 чанокли, очилиши ўртача, чигити майда, узунчок, оч кулранг, ипаксимон (уз. 5 мм гача) тукчалар билан копланган. Чигит кобиги унча каттик эмас. А.г. энг тез-пишар, қўсаги 30 кунда пишиб етилади. Ўргимчаккана ва ширага чидамли. **АВСТРАЛИЯ-АНТАРКТИДА КЎТАРИЛМАСИ** — Хинд океани жанубий-шаркидаги сув ости кўтарилмаси, океан ўрта тизмаларидан бири. Марказий Хинд тизмаси жанубий

кисмини Жанубий Тинч океан кўтарилмаси билан бирлаштиради. Уз. карийб 6500 км, эни 800 км гача, энг баланд жойида денгизнинг чуқурлиги 1689 м. Юзаси аксари алевроит-гилли балчик билан копланган.

АВСТРАЛИЯ-АНТАРКТИДА СОЙЛИГИ — Хинд океанининг жанубий-шаркий кисмидаги сув ости сойлиги, Антарктида якинида. Шимолий ва шаркдан Австралия-Антарктида кўтарилмаси, жанубдан Антарктида материк ён багри, гарбдан Кергелен сув ости тизмаси билан чегараланган. Уз. 4500 км, эни 1500 км; аксари кисмининг чуқ. 4000—5000 м, энг чуқур жойи — 6089 м (Кергелен тизмаси якинида).

АВСТРАЛИЯЛИКЛАР - 1) Австралия аборигенлари; анчаси мустамлакачилар томонидан кириб ташланган (18-а. охирида 250—300 минг бўлса, 1992 й. 170 мингга якин эди). Кисман, резервациялар деб эълон килинган чўл зоналарида яшайди. Австралия катта экваториал (негроид-австралоид) иркка мансуб. Бу иркдагилар кора танли, кенг бурунли, юз кисми туртиб чиккан, тўлкинсимон сочли, бадани ва юзи сертук. Улар 500 дан ортик кабилага бўлинган.



Австралия туб аҳолиси вакиллари.

Хар бир
(к. *Австралия*
сўзлашади.

овчилик,
баликчилик билан шугулланади.

кабила ўз тилида
тилла-ри)

Австралия
темирчилик,

Австралиянинг илк аجدодлари Жанубий-Шаркий Осиёдан (асосан Индонезиядан) тахминан 40 минг йиллар илгари келиб жойлашган. Баъзан Австралиянинг барча аҳолисини Австралия деб атайдилар.

2) Халк, Австралиянинг асосий аҳолиси, асосан, Буюк Британиядан кўчиб келганларнинг авлодлари, инглиз-австралияликлар 13,4 млн. дан зиёд (1992). Инглиз тилининг австралия шеvasида сўзлашади. Христиан динининг католик, пресвитериан мазхабларига эътикод килади.

АВСТРАЛИЯ-ОСИЁ ЎРТА ДЕНГИЗИ - Тинч океаннинг гарбий тропик қисмида, Осиё ва Австралия ўртасидаги ороллар оралигида жойлашган бир неча денгизнинг умумий номи. Умумий майдони: 8 млн. км² га яқин. Энг йирик денгизлари: Жанубий Хитой денгизи, Ява денгизи, Сулавеси, Сулу, Молукка денгизлари ва бошқалар.

АВСТРАЛОПИТЕКСИМОНЛАР— одамсимон маймунларнинг кирилиб кетган кенжа оиласи. 3 тури — зинжантроп, парантроп, плезиантроп маълум. Плиоцен охири ва плейстоцен бошларида яшаган. Суяк қолдиқлари дастлаб 1924 йилда Жанубий Африканинг Калахари саҳросидан, кейинроқ Марказий Африканинг Олдовай дараси (Танзания), Омо дарё водийси (Эфиопия), Рудольф кўли ва Хадар деган жой яқинида (Кения) топилган. Австралиянинг бўйи 120—130 см, тана массаси 30—40 кг, миясининг ҳажми 500—600 см³ бўлган, икки оёқда тик юрган, тўда бўлиб яшаган. Австралия ўзларини химоя қилиш ёки ҳужум қилиш учун тош, таёқ ва суяклардан фойдаланган, деган тахминлар мавжуд. Кўпчилик антропологларнинг фикрича, энг прогрессив Австралия (презинжантроплар) энг қадимги тош қурол ясаган одамларнинг дастлабки аждоди ҳисобланади. Австралиянинг қадимги одамларнинг бевосита аждоди эканлиги узил-кесил ҳал этилмаган.

АВСТРАЛОРП ТОВУК ЗОТИ - гўшт ва тухум учун бокиладиган зот. Австралияда 20-асрнинг 20-йилларида инглиз кора орпингтон товук зоти негизида олинган. Оёклари калта, пати товланувчан кора, танаси чўзик. Хўрозларининг тирик вазни 3,5—4 кг, товугиники 2,5— 2,7 кг. Бир йилда 180 ва ундан кўпрок тухум килади. Тухумлари оч жигарранг, вазни ўртача 55—60 г. Асосан Австралия ва Жанубий Африкада бокилади. Ўзбекистонга 50-йилларда келтирилган.